

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ АДАБИЁТИДА МУВАШШАҲЧИЛИК

**Арофатой Муйдинова**

Чирчиқ давлат педагогика институти Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси  
ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мувашшаҳ ўзбек мумтоз шеърлятида кенг тарқалган маънавий санъатлардан ҳисобланади. Мувашшаҳлар ижоди ўрганилаётган шоирнинг адабий давраси, яқин дўстлари ким бўлганини ўрганишда асосли манба бўлиши мумкин. Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида ўзбек миллий уйғониш адабиёти вакиллари орасида машҳур бўлган мувашшаҳчилик анъанаси ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** мувашшаҳ, ғазал, шеър, шоир, мактаб, шеърлий санъат, маънавий санъат.

## MUVASHSHANISM IN UZBEK NATIONAL AWAKENING LITERATURE

### ABSTRACT

Muvashshah is one of the spiritual arts common in Uzbek classical poetry. Muvashshahs creativity can be a justified resource in studying who the literary circle of the poet studied, his close friends. The article talks about the tradition of muvashshahism, which was popular among the representatives of the Uzbek national awakening literature of the second half of the XIX century at the beginning of the XX century.

**Keywords:** muvashshah, gazal, poetry, poet, proverb, poetic art, spiritual art.

### КИРИШ

Ўзбек мумтоз шеърляти турли шеърлий жанрлар, нафис шеърлий санъатларга бой ва ранг-баранг. Шунинг учун бўлса керак, уларни ўқиган сари кишининг завқи ошади, илҳомланади. Арабча зийнатланган, безалган маъноларини англатадиган мувашшаҳ санъати кишини завқлантирадиган ана шундай шеърлий санъатлардан ҳисобланади. Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огахий, Шавқий, Увайсий, Муқимий, Завқий, Фурқат каби улуғ шоирлар мувашшаҳчиликда шуҳрат қозонишган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XV асрда яшаб ижод қилган шоир ва аллома Шайх Аҳмад Тарозий “Фунуну-л-балоға” асарида мувашшаҳни махсус санъат сифатида тилга олиб, шундай таърифлайди: “...шеърнинг аввалғи ҳарфларини териб олсалар ё ўртадаги ҳарфларини олиб жам қилсалар... (исм пайдо) бўлур. Шеърнинг бир мисраси ҳарфларида ҳам исм музайян бўлиши мумкин”<sup>1</sup>. Мувашшаҳларни илмий асосда атрофлича ўрганган шоир ва олим Мақсуд Шайхзода: “Мувашшаҳ жанри ўзбек адабиётида, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида авж олиб кетиб, адабиёт аҳли ўртасида расм бўлиб қолган эди, ҳатто, шоирлик ва назмчилик ҳунари мувашшаҳчиликдаги маҳорати билан ҳам ўлчанадиган бўлиб қолган эди”, – деб ёзади<sup>2</sup>. Мувашшаҳларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича: 1) мувашшаҳлар, асосан, ғазал шаклида ёзилади, қисман мусаммат ва, ҳатто, рубоий шаклида ҳам ёзилиши мумкин; 2) шеър мисралари замирида киши ёхуд предмет номи яширинган бўлади. Замирида бирор нарса номининг яшириниши жиҳатидан мувашшаҳ чистон ва муаммо, ҳатто таърихга ўхшаб кетса-да, бироқ уларни бир-биридан ажратиб турадиган фарқлари ҳам мавжуд: таърихда бирор воқеа юз берган муҳим сана ифодаланса, чистонда бирор предмет ёхуд воқеа топишмоқ усулида берилади, мувашшаҳда эса, асосан, шахслар ёхуд предметлар номи яширинади; 3) шеър мисраларидан муайян қоидалар асосида киши исми ёки нарса номи келиб чиқади: байтдаги тоқ мисралар, баъзан жуфт мисралар ёки байтнинг ва, ҳатто, ҳар бир мисранинг биринчи ҳарфларини териб олиб бир-бирига қўшилса, шеърда яширинган исм ёки ном келиб чиқади; 4) мувашшаҳда яширинган исм шеър кимга бағишланганини кўрсатади; агар шеър исми боғланган кишига алоқадор бўлмаса, илмда у интизом деб юритилади; 5) мувашшаҳлар, кўпинчча араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзуви қоидаларига таянган бўлади; 6) шеърда, асосан, бир кишининг номи яширинганлиги ва уни қандай топиш мумкинлиги ҳақида муайян ишоралар бўлади, аммо бундай ишоралар берилмаган мувашшаҳлар ҳам учраб туради; 7) мувашшаҳлар, одатда, арузнинг муайян вазнларида ёзилади, бироқ XX аср ўзбек адабиётида мувашшаҳларнинг бармоқ вазнида ёзилган намуналари ҳам учрайди; 8) мувашшаҳлар фақат шакл ҳодисасигина эмас, балки муаллифнинг ижтимоий ҳаётга қарашларини

<sup>1</sup> Қаранг: Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға, –Т: Хазина, 1996,127-бет, Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. –Тошкент, 2001, 67-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Муқимий ва Фурқат ҳақидаги мақолалар. – Т.: 1958,70-бет, Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. – Тошкент, 2001, 68-бет.

ифодаловчи муҳим санъат ҳодисасидир; 9) олимларимизнинг таъкидлашларича, мувашшаҳ аслида муаммо заминиди пайдо бўлган<sup>3</sup>.

Адабиётларда мувашшаҳни *тавишх санъати* деб ҳам юритилади<sup>4</sup>. XV аср адабиётида тавшихнинг мисралар ичида қизил сиёҳ билан ажратиб ёзилган сўзларни жамланганда бир ёки бир неча байт шеър пайдо бўладиган туридан кенг фойдаланилган. Атоуллоҳ Ҳусайний ўзининг “Баъдойиъ – ус санойиъ” асарида бу усулга доир қатор мисоллар келтиради<sup>5</sup>.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, XX аср ўзбек шоирлари ҳам мувашшаҳ санъатининг ажойиб намуналарини яратишган. Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Эркин Воҳидов, Ёнган Мирзо ва бошқа шоирлар замонавий мувашшаҳлар яратишган. Жумладан, Уйғуннинг “Турсуной” исмига бағишланган “Жафо қилма” радибли ғазалида Турсуной исмли гўзал санъаткор қиз таърифланади. Ғазалда шоир Турсунойни таъриф-тавсифгина қилиб қолмай, унинг инсоний одоб-ахлоқи, камолоти ҳақида фикр юритади. Шеър қаҳрамонини ва шу орқали ёшларни одоб-ахлоқли баркамол инсон бўлишга чорлайди<sup>6</sup>.

## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

“Мувашшаҳ кимнинг номига бағишланган бўлса, ўша ғазалда таъриф этилган образ ҳам айнан мазкур кишининг ўзидир деб ўйлаш хатодир, – деб таъкидлайди М.Шайхзода, – мувашшаҳдаги исм бу ғазалнинг кимга бағишланганига ишора қилади, холос. Асарда тасвирланган ёр эса бус-бутун бошқа бир киши бўлиши мумкин. Масалан, Фурқатнинг “Мақсуджон” исмига бағишланган ғазалида ... севгили ёр образида тасвирланган киши “Мақсуджон” эмас, балки гўзал бир аёлдир”<sup>7</sup>.

Шу ўринда Муқимийнинг Низомхон номига бағишланган мувашшаҳ-ғазални кўздан кечирайлик:

**Н**еча гулчеҳра ошиқлиғда хайронинг бўлай,  
Булбули шўридадек маҳви гулистонинг бўлай.  
**З**улм ила жавру ситам айлаб тағофил топки,  
Кел, ниқобингни очиб, эй шўх, қурбонинг бўлай.  
Эл гирифтoring агар қош-у кўз-у рухсоринга,

<sup>3</sup> Қаранг: Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Т.: 2001, 67-68-бетлар.

<sup>4</sup> Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. . – Т.: 1999, 62-бет.

<sup>5</sup> Ўша манба, 62-бет.

<sup>6</sup> Қаранг: Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Т.: 2001, 70-бет.

<sup>7</sup> Қаранг: Муқимий ва Фурқат ҳақидаги мақолалар. – Т.: 1958,70-бет, Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Тошкент, 2001, 69-бет.

Мен асири анбарин зулфи паришонинг бўлай.

**М**уддао ҳар дилда, лекин менда шулким орзу,  
Бисмили тиғи нигоҳи тийри мужгонинг бўлай.

**Х**уррами хандон нетар, жоноки, келсанг оқшами,  
Лутфлар айлаб дебон: “то субҳ меҳмонинг бўлай”.

**А**йлағил оҳир ўзунг инсофким токайғача,  
Рўзи шаб уммидвори аҳди ёлғонинг бўлай.

**Н**огоҳон ҳар байтидан бир ҳарфдин олиб Муқим,  
Ўқи, номинг чиқмас эрса номусулмонинг бўлай<sup>8</sup>.

Мазкур ғазал анъанавий 7 байтдан иборат бўлиб, ҳар бир байтнинг тоқ мисраларидаги биринчи сўзнинг бош ҳарфи ( “неча” дан “н”, “зулм”дан “з”, “ел”дан “о”, “муддао”дан “м”, “хуррами”дан “х”, “айлағил”дан “о”, “ногоҳон”дан “н”) териб олиниб, бир жойга йиғилса, “н-з-о-м-х-о-н” исми ҳосил бўлади. Бу ўринда ғазалнинг араб ёзуви асосидаги эски ўзбек ёзувида яратилганлигини ҳисобга олинса, “н”дан сўнг “и” қўшилади ва натижада “Низомхон” исми келиб чиқади. Демак, ғазал “Низомхон” исмли кишига бағишланган. Шеърнинг қаҳрамони эса Низомхон эмас, гўзал жонона.

Кўпинча мувашшаҳ-ғазалда яширинган исмга ғазал мақтасида ишора қилинади. Муқимий ижодига мансуб мувашшаҳларга диққат қилсак, бундай ишораларнинг бетакрор намуналарини кўришимиз мумкин.

“Жамолхон” исми яширинган мувашшаҳ-ғазалнинг мақтаси:

Ногоҳон олсанг Муқимий, аввали ҳар байтидин,  
Ҳарфлар равшан бўлур, албатта, исмин гавҳари<sup>9</sup>.

“Муҳсинхон”га бағишланган мувашшаҳ-ғазалнинг мақтаси:

Нозанинча Муқимийдек, ғариби телмуруб,  
Чорсуда ҳар жавонибға кўзи хор ўлмасун<sup>10</sup>.

“Тожихон” номига битилган мувашшаҳ-ғазалнинг мақтаси:

Номиға айларму мувашшаҳ, муҳаббатдин Муқим,  
Бўлмас одамға агарчанди парилар ошно<sup>11</sup>.

Мувашшаҳлар билан танишар эканмиз, исмларига мувашшаҳ битилган шахсларнинг кимлиги, уларнинг шоирга қандай алоқаси борлиги ва шеър нима

<sup>8</sup> Пардаев Қ. Биз билмаган Муқимий. Янги аниқланган ва матни қайта тикланган асарлар. – Т.: Мухаррир нашриёти, 2019, 19-бет.

<sup>9</sup> Ўша манба, 20-бет

<sup>10</sup> Ўша манба, 21-бет

<sup>11</sup> Ўша манба, 80-бет

муносабат билан ёзилганлиги қизиқиш уйғотиши, табиий. Шундай экан, мувашшаҳлар ижоди ўрганилаётган шоирнинг адабий давраси, яқин дўстлари ким бўлганини ўрганишда асосли манба бўлиши мумкин<sup>12</sup>. Муқимийнинг Рашидхон, Асрорхон, Юсуфхон, Қўзихон, Усмонжон, Муҳаммаджон, Комилхон, Тиллахон, Муллажон, Назирхон, Намозхон, Солихжон, Жабборхон, Ҳошимжон, Норсахон, Адолхон, Сиддиқжон, Мансурхон, Абдуллахон, Низомхон, Султонхон, Қурбонхон, Қосимжон, Акбархон, Тошпўлатхон каби яқинлари номига битилган мувашшаҳ-ғазаллари шунчаки битилмай, кўпинча бирор воқеа сабаб ёзилганини эътиборга оладиган бўлсак, ҳар бир мувашшаҳ ўзига хос ёзилиш тарихга эга эканлигига гувоҳ бўламиз.

Муқимийнинг “Топти ҳуснинг кўзгуси хатнинг ғуборидин сафо” матлали мувашшаҳ - ғазали Тожиҳон исмига битилган. Тожиҳон ким, унинг шоирга қандай алоқаси бўлган? Шоирнинг жияни Рўзимухаммад Дўсматовга ёзган мактубида қуйидагиларни ўқиймиз: “... Баъда жаноби ҳурматли бойларингизни хонадонларини ҳақларига фақирдин холис дуойи хайр айтингиз. Мулло Азимжон ва мулло Тожиҳон мазкурларни кўрсангиз салом айтинг”<sup>13</sup>. Мактубда тилга олинган Мулло Азимжон ва мулло Тожиҳон ўша пайтда Москвага қатнаб савдогарчилик қилган кўқонлик бойлардир. Шоир жиянига ёзган мактубларини шулар орқали Москвага жўнатиб турган.<sup>14</sup>

Шунингдек, бир шахс номига бир неча шоирлар томонидан мувашшаҳлар ёзилгани ҳам маълум. Масалан, Жамолхон, Нормухаммад, Рашидхон номларига Фурқат ҳам, Муқимий ҳам мувашшаҳ-ғазал ёзганликларидан кўринадики, шоирларнинг бу шахсларга ҳурматлари баланд бўлган<sup>15</sup>.

## ХУЛОСА

Мувашшаҳлар шоирнинг шеърда номлари яширинган шахсларга нисбатан алоҳида дўстона муҳаббатлари боис яратилганлигига амин бўламиз. Бу эса дўстлар орасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Буни, албатта, хушомадгўйликка йўймаслик лозим. Булар шоирлар томонидан беғараз, таъмасиз битилганлигига ишончимиз комил. Зеро, ҳадисларда

<sup>12</sup> Қаранг: Пардаев Қ. Муқимий шеърляти: матн тарихи, таҳрири ва талқини. – Т.: Муҳаррир нашриёти, 2019,174-бет.

<sup>13</sup> Турдалиев А. Муқимийнинг жияни Рўзимухаммадга хат. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т.: 2001, 12 январь.

<sup>14</sup> Қаранг: Пардаев Қ. Муқимий шеърляти: матн тарихи, таҳрири ва талқини. – Т.: Муҳаррир нашриёти, 2019,173-бет.

<sup>15</sup> Ўша манба,174-бет.

таъкидланганидек, инсонлар ҳамиша бир-бирларига меҳр-муҳаббатларини билдириб туришлари лозимки, бу улар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини оширади.

## REFERENCES

1. Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Тошкент, 2001.
2. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. . – Т.: 1999.
3. Пардаев Қ. Муқимий шеърят: матн тарихи, таҳрири ва талқини. – Т.: Муҳаррир нашриёти, 2019.
4. Пардаев Қ. Биз билмаган Муқимий. Янги аниқланган ва матни қайта тикланган асарлар. – Т.: Муҳаррир нашриёти, 2019.
5. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға, –Т: Ҳазина, 1996.
6. Қаюмов А. Шеърят жилolari. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
7. Икрамов, Р. А., & Мўйдинов, Қ. А. (2021). ҲУҚУҚ ТИЛИ ВА НУТҚИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(9), 719-727